



Мусулмон аёлларни кўпинча аёллар кометикасининг тирнок учун лак каби предметига нисбатан хам диний чекловлар кўлланадими деган савол кизиктиради. Агар бу маҳсулотнинг халол тури мавжуд бўлса, уларни каердан олиш мумкин? «Нафас оладиган» лак нима ва у кандай килиб халол бўлиши мумкин?

Бундай саволлар хар йили Ислом дунёсида кўтарилади. Ягона фикр халигача ишлаб чикилмагани баҳс-мунозарада якуний нукта кўйишга имкон бермайди. Келинг, тартиб бўйича барча далилларни шундай келтириб ўтайлик-ки, халол. Уз сайти ўкувчилари ўзлари карор кабул кила олсин.

## **Мўмина тирногига лак кўйиши мумкинми?**

Шариат бундай косметикадан фойдаланишни такикламайди. Аёл кўл ва оёклари тирнокларига лак кўйилган холда намоз ўкиши мумкин. Бирок бу ерда жуда муҳим бир жихат мавжуд: лак гул ёки taxorat килинганидан кейин, аёл пок бўлган вактда кўйилган бўлиши керак. Taxorat олмаган ёки бузилган, кейин кайта тикланган пайт лак кўйилса, намоз хам, на taxorat хам кабул килинмайди. Бунинг сабаби лаканинг хусусиятига боғлик - бу намликка йўл кўймайди, демак, taxorat пайтида тирнок юзасига сув тегмайди.

Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ товонида тирнокдай жойи ювилмай колган одамни кўриб колганликлари хакида хадис бор. Умар розияллоҳу анхудан ривоят килинади: «Бир одам taxorat килиб оёгининг тирнокча жойига сув етказмади. Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ буни кўриб колдилар ва: «Кайт, taxoratингни яхшилаб кил», дедилар. У кайтди ва сўнгра намоз ўкиди» (Муслим, Абу Довуд).

Шундан сўнг олимлар ибодат килувчининг танасининг хар бир кисмини сув билан яхшилаб ювилган бўлиши керак, деган хulosага келишди. Шу сабабли, муслима аёл учун оддий лак кўйилиши назарий жихатдан мумкин, лекин амалда бу жуда кийин: taxoratдан олдин хар сафар лакни олиб ташлаш ва ундан кайта кўйиш керак бўлади. Бу холат кунига бир, икки ва беш марта бўлиши мумкин. Хаётни мураккаблаштирадиган нарса бўлиши билан бир каторда, жараённинг тез-тез амалга оширилиши тирнок пластинаси ва катикулага путур етказади.

Мусулмон аёл кун бўйи ёки хатто бир неча кун лакни олиб ташламасдан юриши мумкин бўлган ягона давр - хайз ёки нифос (тугрукдан кейинги тозалаш) вактидир. Бу ерда факат битта тавсия сакланиб колади - лак, иложи борича табиий рангда бўлиши, кўзга ярк этиб ташланмаслиги керак, чунки мусулмон аёл камтар бўлиши керак.

## «Халол» лак нима?

Бир неча йил олдин бозорда Полша компанияларидан бири томонидан тайёрланган «нафас оладиган» лак пайдо бўлди. Дастрраб у лакдан тез-тез фойдаланадиган шахслар учун мўлжалланган. Бу махсулот хаво ва хаво бугларини ўtkазади. Бир мунча вакт ўтгач, тажриба ўтказилди ва унинг натижалари бўйича мусулмон аёлларга ушбу лакдан фойдаланишга рухсат берилди, бу лак копланган тирноклар билан килинган тахорат тан олинадиган бўлди. Шунинг учун у "халол" деб номланди. Шундай бўлса хам, махсулот шаръий олимларнинг расмий халол сертификати ва розилигини олмаган. Уй шароитларида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, салфеткага лак кўйилиб, кейин сув томизилгач, лак сув ўтказмаслиги ёки жуда хам секин ўтказиши аникланди. Шунинг учун уни ишлатиш эҳтимоли савол остида колмокда.

Бозорда халол лакка бўлган талабни хисобга олган холда, Америка ва Канадада ишлаб чиқарилган халол сертификатланган лаклар пайдо бўлди. Масалан, АКШ махсулоти «Дор-ул-Косим» (Иллинойс) институтининг вуду-френдли (тахорат учун рухсат этилган) ва халол продукция сертификатларига эга, шунингдек, «СГС-Лабс» халкаро эксперталар компаниясидан сув ўтказмаслиги хакида хужжатлар билан тасдикланган. Бундай лаклар намлик ва хавони ўтказади, тўгри, факат кўлни иссик сув билан ювиш яхшиrok самарага эга бўлиш учун 10 секунд ишкалаб туриш керак, деб тавсия килади ишлаб чиқарувчилар.

## Халол лаклар рўйхати

Айрим лаклар, масалан, «*Inglot*» компаниясининг O2M серияли махсулоти ушбу махсулотдан мусулмон аёллар фойдаланишига рухсат этилгани хакида расмий сертификатга эга эмас. Ўкувчиларимиз илтимосига кўра ва улар учун кулай бўлиши учун (реклама деб хисобламанг) халол сертификатга эга бўлган дунё компаниялари рўйхатини келтириб ўтамиш:

- 1) BCI Group концерни «Н» лаки (БАА);
- 2) «Tuesday in love» компаниясининг сув ўтказмайдиган лаки (Канада);
- 3) «MAYA» савдо маркасининг сув ва хаво ўтказмайдиган лаки (АКШ);

4) «Orly» фирмасининг «Breathable» серияли лаки (АКШ).

### **Бу «нафас оладган» лакдан фойдаланиш керакми?**

Хамма нарса инсоннинг шахсий эътиқодига бөглиқ. Ахир, ислом олимлари орасида тирнокни тахорат килиш хакида хам турли фикрлар бор. Баъзи одамлар сувнинг тирнок пластинасига бевосита тегиши ва уларнинг орасидаги тўsicк бўлмаслиги керак, деб хисоблашади. Бошкалар эса, сув тирнокка тегибгина колмасдан, балки у оркали окиб ўтиши керак, деб хисоблайди. Яна бошкалар эса енгил олиб, сув тирнокка тегиши етарли деб хисоблайди. Шунинг учун «халол» лакдан фойдаланиш хар бир мусулмон аёлнинг ихтиёрига хавола килинади.

Танловни хал килишда шуни ёдда тутиш керакки, Аллоҳ таоло пайгамбаримиз Мухаммад соллоппоху алайхи васаллам хадислари оркали бизни шубҳали нарсалардан огохлантирган, ахир бу такикланган нарсага олиб борадиган йўлдир.

“Халол хам маълум, харом хам маълум. Унинг орасида шубҳалар мавжуд, кўпчилик унга парво килмайди. Кимики шубҳалардан сакланса, дини ва обрўйини саклабди. Кимики шубҳаларга парво килмаса, албатта, харомга йўлиқади. Худди кўйларини жар ёқасида бокаётган чўпонга ўхшайди, бир кунмас, бир кун албатта улардан биттаси тушади. Хар бир подшохнинг чегарси бўлгани каби, огох бўлингким, Аллоҳ таолонинг чегараси харомгачадир. Билингким, инсонда бир гўшт парча бор агар у соглом бўлса, бутун аъзои бадан соглом бўлади. Агар у бузилса, бутун аъзои бадан бузилади. У хам бўлса, калбdir” (Бухорий, Муслим)

Яна бир Хасан ибн Али розияллоху анхудан ривоят килинган хадисда: Расулуллоҳ соллоппоху алайхи васалламнинг: «Сени шубҳага солаётган нарсани тарк кил, шубҳага солмайдиган нарсани ол, зоро ростлик хотиржамликдир, ёлгон эса шубҳаланишдир», деган хадисларини ёдлаб олдим.

### **Оддий лакдан фойдаланишда опа-сингилларимизга бериладиган маслаҳатлар**

Агар оддий лакдан фойдаланиш ва уни хар сафар тахоратдан олдин ўчириб ташлашга карор килинса, куйидагилар тавсия этилади:

1. Юмшок рангли ёки шаффоф лакдан фойдаланингиз – улар яхширок кўринади ва эътиборни жалб килмайди. Ёркин ранг танламасликнинг иккинчи сабаби – кўплаб мусулмон аёллар хайз даврида тирнокларини бўяйди. Демак, бегона мусулмонлар сизда ушбу кунлар эканлиги хакида ўйлаши ва бу сизга кандайдир нокулайликлар тугдириши мумкин.

2. Асос сифатида тирнокларда мустакил кўллаганда нафакат ташки кўриниш хосил киладиган, балки кундалик фойдаланиш учун жуда муҳим бўлган шифобахш

хусусиятларга эга тиббий лакни кўллаш лозим.

3. Лакни ўчириш учун ацетонсиз суюклик, яна хам яхшироги, тирнок пластинасини каттик шикастламайдиган ва куритмайдиган маҳсус фойлардан фойдаланиш керак.

4. Кўл ва оёқ тирнокларидағи лакни эҳтиёткорлик билан олиб ташланг, шунда "оролча" ёки пленка колмайди. Акс холда, taxorat хакикий эмас деб хисобланади. сиз хамма нарсани текшириб, факат намоздан кейин колган лак колдигини топиб олганинган холат истиснодир. Бу касдан бажарилмагани учун taxorat ва намоз амалда кабул килиниши мумкин.

5. Taxoratни янгилаш талаб килиб колиниши мумкин бўлган холатлар учун доим ёнингизда лак ўчирадиган восита олиб юринг.

Абу Муслим таржимаси